

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

РУЗИБАКИЕВА МАЛИКА РУСЛАНОВНА

**СУРУНКАЛИ ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТЛИ БЕМОРЛАРДА
ИММУНОГЕНЕТИК ПРОФИЛИНИ АНИҚЛАШ БУЙРАК
ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИДА РЕЦИПИЕНТЛАРНИ ОЛИБ
БОРИШ ТАКТИКАСИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.20 – Тиббий генетика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Рузибакиева Малика Руслановна

Сурункали гломерулонефритли беморларда
иммуногенетик профилини аниқлаш буйрак
трансплантациясида реципиентларни олиб
бориш тактикасининг асоси сифатида..... 3

Рузибакиева Малика Руслановна

Иммуногенетический профиль больных
хроническим гломерулонефритом,
как основа тактики ведения реципиентов
при трансплантации почки..... 31

Ruzibakieva Malika Ruslanovna

Immunogenetic profile of patients
with chronic glomerulonephritis, as a basis
of tactics of recipient management
in kidney transplantation..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

РУЗИБАКИЕВА МАЛИКА РУСЛАНОВНА

**СУРУНКАЛИ ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТЛИ БЕМОРЛАРДА
ИММУНОГЕНЕТИК ПРОФИЛИНИ АНИҚЛАШ БУЙРАК
ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИДА РЕЦИПИЕНТЛАРНИ ОЛИБ
БОРИШ ТАКТИКАСИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА**

**14.00.36-Аллергология ва иммунология
14.00.20-Тиббий генетика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2020

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Tib175 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Арипова Тамарахон Уктамовна тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Мухамедов Рустам Султанович биология фанлари доктори, профессор Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич тиббиёт фанлари доктори, Нестеренко Игорь Викторович (Россия) тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	«Иммунология институти ДИМ» Давлат федерал бюджет илмий корхонаси, Россия

Диссертация химояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qir.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

З.С.Камалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.П.Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сурункали гломерулонефрит (СГН) тиббий ва ижтимоий аҳамиятга эга кенг тарқалган буйрак касалликларининг тури бўлиб, ногиронлик кўрсаткичининг юқорилиги билан характерланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «... сурункали буйрак касалликларига учраган беморлар сони ортиб бормоқда. Унинг жадал ривожланиб бориши, одатда, сурункали буйрак етишмовчилигига олиб келиб, дастурий гемодиализ ёки буйрак трансплантациясига олиб келмоқда»¹. Иқтисодий ривожланаётган давлатларда буйрак етишмовчилигининг терминал босқичида бўлган беморлар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Янада самаралироқ иммуносупрессия методларини қўллаш орқали буйрак трансплантининг вақтинча яшашини сифатини ошириш бўйича анча ютуқлар қўлга киритилганлигига қарамай, кўчирилган буйрак дисфункцияси жиддий муаммолигича қолмоқда, бу эса соҳа ходимлари олдида ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб муаммолардан биридир..

Жаҳонда СГН пайдо бўлиши ва ривожланишида иммунжавоб кучи ва йўналишини белгиловчи генетик омиллар – HLA комплекси генларини аниқлашга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада тадқиқотлар турлича бўлиб, цитокин генларининг айрим полиморфизмлари қай даражада сурункали гломерулонефритга таъсир қилиши ҳамда беморларда кечадиган касалликнинг қайси хусусиятлари билан боғлиқлигини аниқлашдан иборат. Қатор тилмий тадқиқотларда цитокин генлари полиморф маркерлари ва ўсиш омилларининг сурункали гломерулонефрит ва касалликка чалиниш омиллари билан боғлиқлигини аниқлаш, сурункали гломерулонефрит ривожланиши жараёнида ренин-ангиотензин-альдостерон генлар тизими (РААТ) нинг ўрнини аниқлаш, РААТ нинг буйрак ичи қон айланиши, мезангиал ҳужайралар пролиферацияси, гломерулосклероз ривожланишига таъсири аниқлаш, нефросклероз ривожланиши ва сурункали буйрак етишмовчилигига олиб келадиган номзод генларни аниқлашдан иборат. Ҳозирги вақтда кўчириб ўтказилган буйракнинг ажралиб чиқишини эрта ташхислаш маркерларини аниқлашга йўналтирилган замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, молекуляр-генетик ташхислаш ва даволаш усулларини танлашга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни такомиллаштириш, сурункали буйрак касалликлари асоратларини камайтириш «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва

¹ЖССТнинг йиллик ҳиобот маълумотлари, 2017

диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»¹ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар сурункали гломерулонефритли беморлар буйрак трансплантациясидан кейин олиб боришда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сонли «Шошилинч тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Сурункали гломерулонефритли беморлар буйрак трансплантациясида реципиентларни олиб бориш тактикасининг асоси сифатида иммуногенетик профилини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Department of Nephrology Minneapolis Medical Research Foundation, Minneapolis (АҚШ), Department of Medicine, University of Minnesota, Minneapolis, MN (АҚШ), Department of Medicine, Hennepin County Medical Center, Minneapolis, MN, (АҚШ), Genetics of Acute Rejection after Kidney Transplantation, Universitair Ziekenhuis Leuven Leuven, (Бельгия), Hôpital Universitaire Necker Paris (Франция), Service de Néphrologie-Transplantation Adultes, Department of Pharmaceutical Sciences and Interdepartmental Research Center of Pharmacology and Pharmacogenomics-CRIF, Università del Piemonte Orientale 'A. Avogadro', Novara (Италия), ФДБУ «Академик В.И. Шумаков номидаги Трансплантология ва сунъий органлар Миллий тиббиёт тадқиқотлари маркази, Белгород давлат университети, Дипломдан кейинги таълим Россия тиббиёт академияси (Россия Федерацияси), И.П.Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси),

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.lstmed.ac.uk, www.otago.ac.nz, www.ufl.edu, www.snu.ac.kr, www.ibis-sevilla.es, www.ox.ac.uk, www.umd.edu, www.unimelb.edu.au, www.uzh.ch, www.auf.edu.ph, www.lshtm.ac.uk, www.cam.ac.uk, www.duke.edu, www.nibmg.ac.in, www.nie.gov.in, www.sanger.ac.uk, www.cgu.edu.tw, www.infectology.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Фундаментал ва клиник иммунология илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси), Иммунология институтининг давлат илмий маркази (Россия Федерацияси), Иммунология ва инсон геномикаси институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Сурункали гломерулонефритли беморлар буйрак трансплантацияси натижасида юзага келадиган клиник-иммунологик жиҳатлар ва иммуногенетик профилини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: HLA-генларнинг глобал тарқалиши борасидаги тадқиқотлар натижалари инсон миграциясини аниқлаш ва турли эпидемия тўлқинлари ва бошқа патоген омиллар жаҳондаги турли популяцияларга қай тариқа таъсир қилганини аниқланган (University of Geneva, Geneva, Швейцария); иммун ва ноиммун механизмларни ишга туширийдиган ва нефросклероз асосида ётувчи генетик маркерлар аниқланган (Трансплантология ва сунъий органлар Миллий тиббиёт тадқиқотлари маркази, РФ); ренин-ангиотензин-альдостерон тизим генларининг СГН ривожланиши билан боғлиқлиги аниқланган (University of Göteborg, Göteborg, Швеция); буйрак кўчирилишидан сўнг артериал гипертензия етарли даражада кенг тарқалиши асосланган (Hennerin County Medical Center, АКШ); органлар кўчирилгандан сўнг қўлланадиган иммунодепрессантлар β -хужайралар функциясини сусайтириши, тўқималарнинг инсулинга бўлган марказий ва периферик резистентликни келтириб чиқариши исботланган (Н.В. Склифосовский номидаги Тез ёрдам институти, РФ); буйрак кўчирилган беморларда CYP3A5 6986A> G полиморфизмининг минимал дозали такролимус концентрациясига таъсири аниқланган (Università del Piemonte Orientale 'A. Avogadro', Италия).

Дунёда сурункали гломерулонефритли беморлар буйрак трансплантациясида реципиентларни олиб бориш тактикаси ва иммуногенетик профилини аниқлаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, цитокин генларининг полиморфизмлари сурункали гломерулонефритга таъсир қилиши ҳамда беморларда кечадиган касалликнинг қайси хусусиятлари билан боғлиқлигини аниқлаш, цитокин генлари ва ўсиш омилларининг сурункали гломерулонефрит ва касалликка чалиниш омиллари билан боғлиқлигини аниқлаш, сурункали гломерулонефрит ривожланиши жараёнида ренин-ангиотензин-альдостерон генлар тизими аниқлаш, РААТ нинг буйрак ичи қон айланиши, мезангиал хужайралар пролиферацияси, гломерулосклероз ривожланишига таъсирини аниқлаш, нефросклероз ривожланиши ва сурункали буйрак етишмовчилигига олиб келадиган номзод генларни аниқлаш, кўчириб ўтказилган буйракнинг ажралиб чиқишини эрта ташхислаш маркерларини аниқлаш ва молекуляр-генетик ташхислаш ва даволаш усуллари танлашга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон статистикаси ва маълумотларига кўра бугунги кунда дунёда сурункали буйрак касалликларига учраган беморлар сони ортиб бормоқда (Danovich G. et al., 2017, Delmonico F. Et al. 2018). Сурункали буйрак етишмовчилиги терминал

босқичини даволаш (тСПН) дастурий гемодиализ (ДГД) ўтказишдан иборат бўлиб, ўрнини босадиган буйрак терапиясининг энг самарали усулларида бири буйрак трансплантациясидир (Тареева В. ва ҳаммуал. 1988, Томилина Н.А. ва ҳаммуал.1994, Шумаков В.И. ва ҳаммуал. 2007, Готье С.В. ва ҳаммуал. 2015 Danovich G. et al., 2017).

Бугунги кунда сурункали гломерулонефрит шаклланишининг патогенетик механизмлари яхши ўрганилмаган, зеро улар мураккаб ҳамда аралаш характерга эга, шу боис ушбу муаммо янада чуқурроқ ҳамда батафсил ўрганилиши лозим (Couser WG. 2016). Одатда СГН пайдо бўлиши ва ривожланишининг патогенетик механизмлари асосида гломерулонефрит ривожланишининг иккита асосий механизми ётади: иммунокомплекс ҳамда антитаначали (Шестаков А.Е. 2006, Birck R, 2016). Ҳозирги кунда иммун жавоб кучи ва йўналишини тартибга солишда инсон гистомослашуви муҳим ўрин тутиши ҳақидаги тадқиқотлар кўп. Маълумки, антигенларга бўлган иммунжавоб кучи бир қатор генетик тизимлар томонидан тартибга солинади, улар эса ҳам омухта, ҳам алоҳида таъсир кўрсатади. Гистомослашувнинг асосий комплекси инсон геномидаги энг полиморф қисмларидан бири саналади (Хаитов Р.М., и др, 2017; Erlich R.L. et al. 2011, Robinson J,2015). Кўп йиллик тажрибалар асосида I синф HLA ҳамда II HLA да ҳам хавф-хатар борлиги аниқланди (Robson, K.J.2018). Сўнгги 10 йил ичида олиб борилган GWAS тадқиқотлар таъсирчанликнинг бир нечта локусларини идентификация қилди, улардан бири - HLA соҳаси энг кучли сигнални кўрсатди (Feehally, J,2010, Gharavi, A. G. et al. 2011), бунда HLA-DQ айниқса муҳим.

Жаҳон миқёсида иммуногенетика борасида доимий илмий изланишлар олиб борилади, маълумотларни бирлаштириш ва алмашиш мақсадида ягона маълумотлар базаси шакллантирилди IMGT®, the international ImMunoGeneTics information system® <http://www.imgt.org> (Lefranc M-P 2014). Ўзбекистонда Б.Т. Даминов томонидан 1999 йилда гломерулонефрит бўлган беморларда I синф HLA антигенлари полиморфизмлари роли ўрганилди. Жалекеева П.А. томонидан Қорақалпоқ популяциясида болаларда гломерулонефритнинг клиник-генетик таҳлили амалга оширилди. Буларда ГН ва гаплоглобин 2-2 фенотиби Нр генетик маркерлари ҳамда церулоплазмин фракцияси Ср ўртасидаги алоқа аниқланди. Ўзбекистонда популяцион рестрикция ҳамда бу соҳадаги тадқиқотларнинг камлигини эътиборга олиб, сурункали гломерулонефрит ривожланишининг патогенетик асосларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларни янада кенгайтириш лозим. Сўнгги ўн йилликларда СГН терапиясида анчагина натижага эришилди, аммо аксарият ҳолларда касалликнинг барқарор ремиссиясига эришиш, унинг терминал босқич СПН (тСПН)га ўтиб кетиш суръатини секинлаштиришга эришиб бўлмапти. Бир қатор ҳолларда СПН бўлган беморларни даволашнинг ягона усули буйрак кўчирилиши бўлиб қолмоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, СГН ривожланишининг иммунгенетик асослари, шунингдек, буйрак кўчирилгандан сўнг у билан боғлиқ асоратларни аниқлаш амалий тиббиёт учун муҳим ва долзарбдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-А11-Т054 «Турли генезли антифосфолипид синдромда (АФС) нефропатия иммунологик ўзгаришлари механизмлари» (2012-2014 йй.) лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсадисурункали гломерулонефритли беморлар буйрак трансплантациясида реципиентларни олиб бориш тактикасининг асоси сифатида иммуногенетик профилини аниқлашдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали гломерулонефрит бўлган беморлар, уларнинг соғлом донорларида ва популяцион назорат гуруҳида II синф HLA гистомослашув комплекси генларининг тақсимланиш тавсифини аниқлаш;

СГНли ўзбек популяциясида ИЛ-1, ИЛ-2, ИЛ-6, ИЛ-10, ИЛ-17, ФНО-А генлари полиморфизмларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

популяцион назорат гуруҳида ва сурункали гломерулонефрит бўлган беморларда ACE, AGT, AGTR1, CYP3A5 генлари тақсимланишини аниқлаш;

СГН бўлган беморларда АГ синдроми ривожланишида ACE, AGT, AGTR1 генлари полиморфизмлари ролини аниқлаш;

буйрак трансплантациясидан сўнг СГН бўлган беморларда +6986G/A CYP3A5 генотипининг такролимус миқдори билан боғлиқлигини аниқлаш;

СГН бўлган беморларда буйрак трансплантациясидан кейин гипергликемия ривожланишининг генетик маркерларини аниқлаш;

буйрак трансплантациясидан сўнг СГН бўлган беморларда АГ ривожланишида ACE, AGT, AGTR1 генлари полиморфизмлари ўрнини аниқлаш;

буйрак трансплантациясидан олдин ва кейин СГН бўлган беморларда энг аҳамиятли генетик маркерларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида HLA бўйича VII Workshop (1977 й.) тавсиясига кўра текширилганларнинг уч авлоддаги миллати аниқланган 611 нафар инсонлар олинди. Улардан 258 нафари сурункали гломерулонефритнинг терминал босқичидаги гемодиализ олган беморлар ҳамда назорат гуруҳини қариндошликнинг биринчи бўғини бўйича қариндош бўлган 353 нафар соғломлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида периферик қон ва зардоби молекуляр-генетик тадқиқотлар учун ҳамда такролимус миқдорини аниқлаш учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, иммуногенетик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек популяциясида СГН касалларида ва ушбу патологияга мойиллиги бўлганларда DRB1, DQA1 ва DQB1 HLA генлари ассоциацияси, хавф аллел вариантлари ҳамда уларнинг гаплотипик бирикмалари аниқланган;

илк бор гендер фарқланишга қараб, СҲГ бўлган беморларда DRB1, DQA1 и DQB1 локусларида аллеллар ҳамда II синф HLA генлари гаплотик кўринишлари частотаси ва тавсифидаги фарқланишлар аниқланган;

илк бор ўзбек популяциясида СҲГ бўлган беморларда ИЛ-1 β - 31Т/С, - 511Т/С, +3953 С/Т, ИЛ-2-330Т/Г, ИЛ-6-174С/Г, ИЛ-10 -592С/А, -819С/Т, - 1082Г/А, ИЛ-17А-197Г/А, TNFA-308Г/А ва -238Г/А цитокинлар генларининг полиморфизми аниқланган, сурункали гломерулонефрит бўлган беморлар гуруҳида яллиғланишга хос хусусиятига эга ИЛ-1 - 31Т/С –Т, ИЛ-1 +3953 С/Т - Т,Т/Т, ИЛ-2 -330Т/Г – Г, ИЛ-6 -174С/Г - Г/Г, ИЛ-17А -197Г/А- А, А/А, ФНО-А -308Г/А - А, А/А аллеллари ушбу патологияга мойиллик ривожланиши билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор сурункали гломерулонефритли беморларда ангиотензинга айлантирувчи фермент (I/D ACE), ангиотензиноген AGT), I типдаги ангиотензин-II рецептори (-1166А/С AGTR1), цитохром 3А5 (+6986Г/А CYP3A5) генлари полиморфизмлари комплекс аниқланган;

ангиотензинга айлантирувчи фермент (I/D ACE), ангиотензиноген (AGT), I типдаги ангиотензин- II рецептори (-1166А/С AGTR1), цитохром 3А5 (+6986Г/А CYP3A5) генлари полиморфизмлари ўзбек популяциясида СҲГ ривожланиши билан боғлиқ эмаслиги асосланган;

илк бор СҲГ бўлган беморларда АГ синдроми ривожланиши ва унинг даражаси, гендер фарқига мос маркерлари I/D ACE, -235М/Т AGT, -1166А/С AGTR1 генлари полиморфизмларининг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

илк бор буйрак трансплантациясидан сўнг СҲГ бўлган беморларда +6986Г/А CYP3A5 (GG генотиби +6986А CYP3A5 ташувчиларида қондаги такролимуснинг ўртача концентрацияси +G6986А CYP3A5 GA генотиби эгаларидан ортиқ) генотипининг такролимус концентрацияси билан боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек популяциясида донорлик буйрак реципиентларида СГ ривожланишининг генетик детерминантлари комплекс баҳоланган.

СҲГ бўлган беморларда DRB1, DQA1 ва DQB1 генлари HLAлари ассоциациялари ўрганилди, хавф аллел вариантлари ҳамда уларнинг гаплотипик бирикувлари аниқланган, уларнинг мавжудлиги ушбу турдаги патологияга мойиллиги асосланган;

сурункали гломерулонефрит бўлган беморлар гуруҳида яллиғланишга хос цитокинлар ИЛ-1 - 31Т/С –Т, ИЛ-1 +3953 С/Т - Т,Т/Т, ИЛ-2 -330Т/Г – Г, ИЛ-6 -174С/Г - Г/Г, ИЛ-17А -197Г/А- А, А/А, ФНО-А -308Г/А - А, А/А аллеллари ушбу турдаги патологияга мойиллик ривожланишида аниқланган;

сурункали гломерулонефрит бўлган беморларда ангиотензинга айлантирувчи фермент (I/D ACE), ангиотензиноген (AGT), I типдаги ангиотензин-II рецептори (-1166А/С AGTR1), цитохром 3А5 (+6986Г/А CYP3A5) генлари полиморфизмлари ҳамда гендер фарқланишга қараб уларнинг тақсимланиши аниқланган;

+G6986A CYP3A5 генотипига қараб такролимусни дозалаштириш режимига алоҳида ёндашув бўйича ЭХМ учун дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган;

ўзек популяциясида СГН бўлган беморларда посттрансплантацион гипергликемия ривожланиши маркерлари, предикторлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, СГН ва СБП ривожланиши учун хос, СГН ривожланишида иштирок этадиган турли генетик маркерларнинг генотиплари аниқланганлиги, бу эса келгусидаги тадқиқотларни янада ривожлантириш имкониятини беради. Тадқиқот натижалари сурункали гломерулонефрит ва СБП ривожланиши генетик механизмларини синчиклаб аниқлашга ҳисса қўшади, касаллик патогенези молекуляр-генетик асослари ҳамда патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти АГ юқори ва СГН бўлган беморлар гуруҳини аниқлаш учун қўшимча мезонларни ишлаб чиқиш, шунингдек, РААС маркерларини ўрганиш орқали буйрак трансплантациясидан сўнг АГ белгиларини бартараф этиш имконини беради. Буйрак кўчирилгандан сўнг гипергликемия ривожланиши генетик омиллари кўрсатилган, бу эса иммуносупрессив терапиянинг тўғри тактикасини қўллаш ёки калиневрин ингибиторлари конверсиясига асосли ёндашиш имконини беради. Иммуносупрессив терапиянинг самарали стратегияси ҳамда операциягача бўлган даврда препаратни дозалаш режимини танлаш ҳамда асоратларини олдини олиш билан ногиронликни камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали гломерулонефритли беморлар буйрак трансплантациясида реципиентларни олиб бориш тактикасининг асоси сифатида иммуногенетик профилини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

«Сурункали гломерулонефрит бўлган беморларнинг HLA тизими генетик профили асосида буйрак трансплантациясида иммуносупрессив терапия тактикасини танлаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 июндаги 8н-д/70-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали гломерулонефрит бўлган беморларни эрта аниқлаш, HLA тизими генетик профили асосида ўз вақтида иммуносупрессив даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

«Буйрак трансплантациясида СҮРЗА5 полиморфизмини ҳисобга олиб, такролимус дозасини оптималлаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 июндаги 8н-д/70-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома буйрак трансплантациясида операциягача бўлган даврда СҮРЗА5 полиморфизмини аниқлаш ва ўз вақтида такролимусни дозасини танлашга хизмат қилган;

сурункали гломерулонефритли беморлар буйрак трансплантациясида реципиентларни олиб бориш тактикасининг асоси сифатида иммуногенетик профилини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, акад. В.В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий буйрак трансплантацияси ва нефрология тиббиёт маркази ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 8н-з/136-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар сурункали гломерулонефритли беморлар буйрак трансплантациясида асоратларни эрта ташхислаш, шахсга хос даволашва ишлаб чиқилган даволаш чора-тадбирлари натижасида уларни шифоханада даволаниш муддатини қисқартириш орқали иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 7 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Буйрак донори реципиентларида СҮН, СБЕ ва баъзи трансплантациядан кейинги асоратлари шаклланишининг иммуногенетик хусусиятларини замонавий тушунчалари**» деб номланган биринчи бобида сурункали гломерулонефрит этиопатогенезининг

хусусиятлари ҳақидаги замонавий ғоялар таҳлил қилинади. HLA тизими ва унинг гломерулонефрит (ГН) ривожланиши билан боғлиқлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. HLA-полиморфизми хусусиятлари баён қилинган. Цитокин генларининг полиморфизми ва уларнинг сурункали гломерулонефрит, вазоактив гормонлар патогенезидаги роли, уларнинг молекуляр генетик хусусиятлари ва тиббий-биологик аҳамияти тасвирланган. Кўчириб ўтказилгандан сўнг гипертензия келиб чиқишида РААСнинг роли таҳлил қилинди. Донор буйрак олувчиларда трансплантациядан кейинги диабетнинг ривожланишида иммуногенетик маркерларнинг роли ўрганилди. Буйрак трансплантациясини қабул қилувчиларда СҮРЗА5 полиморфизмини ўрганиш ва такролимусни даволашга таъсири тасвирланган.

Диссертациянинг «**Текширилган контингентлар тавсифи ва тадқиқотда фойдаланилган усуллар**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқотда қўлланилган статистик, клиник-лабораториявий ва генетик тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқот материаллари тасвирланган ва тавсифланган, натижалар статистик қайта ишланган. Тадқиқот 2010 йилдан 2019 йилгача ЎзР Фанлар Академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган. Академик В.В. Воҳидов номидаги РИЖМ, ЎзР РШТЎИМ, ЎзР ФА иммунология ҳузуридаги “De Factum” ИФМ ва “Immunogen Test” ИФМда амбулатор ва стационар даволанишда бўлган беморлар ўрганилди. Жами 611 нафар ўзбек миллатига мансуб кишиларни текширдик. Мазкур тадқиқот учун шахсларни танлашда HLA бўйича VII Workshop (1977 год) тавсиясига кўра, уларнинг уч авлоддаги миллати ҳисобга олинди. Улардан 258 тасига сурункали гломерулонефрит ташхиси белгиланган бўлиб, ХБП терминал босқичи билан асоратланган, гемодиализ оладиган беморлар бўлди. Назорат гуруҳини биринчи авлод қариндошлари бўлган мутлақо соғлом 353 нафар киши ташкил этди. Гуруҳда 63 нафар аёл ва 194 та эркак бўлди, ўртача ёш $36,02 \pm 1,45$ ни ташкил этди. Донорлар орасида 180 нафар эркак ва 173 нафар эркак бўлди, ўртача ёш $42,6 \pm 1,29$ ни ташкил этди.

ЎзР Фанлар Академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институтида генетик тадқиқотлар ўтказилди. Геномик ДНК стандарт туз усули ёрдамида ажратиб олинди. Генотиплаш усули qPCR методидан фойдаланиб амалга оширилди (StratageneM*3005P, AgilentTechnologies, Germany; DT-Prime, ДНК-Технология, Россия). PCR-турлаш усули ёрдамида жами DRB1 генининг 14 та аллели *, - DQA1нинг 8 та аллели* ва - DQB1нинг 12 та аллели аниқланди *. DRB1, DQA1, DQB1 генларини HLA типлаштириш Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иммунология институтида модификацияланган PCRmSSP (сиквенс-специфик праймерлар билан модификацияланган полимераза занжирли реакция) усулидан фойдаланиб, «HLA – ДНК-ТЕХ» («НПО ДНК-Технология», Москва) тўплами ёрдамида амалга оширилди (Трофимов Д.Ю., 1996). Амплификация маҳсулотларини аниқлаш ва уларнинг узунлик маркерига нисбатан тақсимланиши ультрабинафша нурда (310 нм) электрофорездан кейин 15 дақиқа давомида (оралиғи 3-4 см бўлган) ва этидий бромид билан бўяшда бажарилган.

СҮРЗА5 генининг полиморфизми ЎзР ФАнинг Иммунология ва инсон геномикаси институтида ўрганилди. Тадқиқот 2010 йилдан 2019 йилгача ЎзР Фанлар Академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган. Академик В.В. Воҳидов номидаги РИЖМ, ЎзР РШТЎИМ, ЎзР ФА иммунология хузуридаги “De Factum” ИФМ ва “Immunogen Test” ИФМда амбулатор ва стационар даволанишда бўлган беморлар ўрганилган. СҮРЗА5 G6986A полиморфизмини PCR усулидан фойдаланиб, «Такролимус дори воситаси, СҮРЗА5 G6986A» («Генотехнология-Литех», Москва) тўплами ёрдамида турларга ажратилди. Жами 417 нафар ўзбек миллатига мансуб кишиларни текширдик. Мазкур тадқиқот учун шахсларни танлашда уларнинг уч авлоддаги миллати ҳисобга олинди. Улардан 283 тасига сурункали гломерулонефрит ташхиси қўйилган бўлиб, қариндош донордан буйрак кўчирилганча ва кейинги оладиган СПН терминал босқичи билан асоратланган беморлар бўлди. Назорат гуруҳини 134 нафар мутлақо соғлом шахслар ташкил этди.

Такролимус концентрацияси «De Factum Laboratories» НДЦ асосида аниқланди. Қондаги такролимус препаратининг таркиби Siemens Dimension Xpand (Siemens Healthcare Diagnostics Inc., АКШ), анализаторида автоматлаштирилган усул ёрдамида, ўзига хос Tacrolim реагентлар тўплами ёрдамида амалга оширилди. Ушбу тест ўрганилаётган қон намунасидаги такролимус β-галактозидазанинг фаол бўлмаган қисми билан боғлиқ антитаначалар билан боғланиш учун рақобатлашадиган иммунтаҳлил усулини қўллайди. Усул препаратнинг концентрациясини 1.2-30 нг / мл оралиғида ўлчаш имконини беради.

Иммун жавобнинг 6 та генининг 11 та полиморф участкаси тест синовидан ўтказилди: *ИЛ-1β* (T-31C, C-3953T, T-511C); *ИЛ-2* (T-330G), *ИЛ-6* (C-174G), *ИЛ-10* (C-819, G-1082A), *ИЛ-17A* (G-197A), *TNF* (G-308A). Барча кўрсатилган SNP илгари тасдиқланган ва 1% ёки ундан кўп кичик аллель частотасига эга (NCBI dbSNP database, <http://www.ncbi.nlm.nih.gov/projects/SNP/index.html>). Ўрганилган полиморф локусидаги генотипларнинг тарқалиши логистик регрессия таҳлилидан ва Фишер аниқ синовидан фойдаланган ҳолда Харди-Вайнберг мувозанатига мувофиқлигини текшириш орқали ўрганилди. Беморлар ва назорат гуруҳидаги шахсларнинг жинси ва ёши бўйича мослигини ҳисобга олдик. $p < 0,05$ даги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятлиги эътиборга олинди.

Барча кўрсатилган SNP илгари тасдиқланган ва 1% ёки ундан кўп кичик аллель частотасига эга (NCBI dbSNP database, <http://www.ncbi.nlm.nih.gov/projects/SNP/index.html>). Ўрганилган полиморф локусидаги генотипларнинг тарқалиши логистик регрессия таҳлилидан ва Фишер аниқ синовидан фойдаланган ҳолда Харди-Вайнберг мувозанатига мувофиқлигини текшириш орқали ўрганилди. Беморлар ва назорат гуруҳидаги шахсларнинг жинси ва ёши бўйича мослигини ҳисобга олдик, $p < 0,05$ даги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли.


РШТЎИМ жарроҳлик трансплантацияси бўлимида амалга оширилган буйракни кўчирилишидан кейинги беморлар текширилди. Жами 68 нафар 18

ёшдан 59 ёшгача бўлган (ўртача – 32,14±1,23 ёш) ўзбек миллатидаги беморлар текширилди, улардан претрансплантацион диабет бўлмаган 48 таси эркек (70,6%) ва 20 таси (29,4%) аёлда БТси амалга оширилган. Барча беморлар БТдан кейин кальциневрин ингибиторларини ва микофенолат мофетил қабул қилишди. Мазкур тадқиқот учун шахсларни танлашда HLA бўйича VII Workshop (1977 й.) тавсиясига кўра, уларнинг уч авлоддаги миллати ҳисобга олинди. Улардан 12тасида иммунсупрессия стандарт схемасини қабул қилишда глюкоза миқдорининг барқарор ошиши кузатилди. Назорат гуруҳини худди шундай иммуносупрессия муолажаси схемасида қонда глюкоза миқдори ўзгармаган 56 та буйрак донорлигини олувчи ташкил этди.

ҚБни эрталаб, бемор ўтирган ҳолатида (тинч ҳолатга эришиш учун 15 дақиқадан кам бўлмаган вақт ичида мослашишдан кейин), камида 3 марта, систолик ҚБ (СҚБ) ва диастолик ҚБ (ДҚБ) нинг ўртача кўрсаткичини ҳисобга олиб ўлчадик. Гипертензия мезонлари сифатида СҚБ[^]140 мм сим. уст. ва/ёки ДҚБ>90 мм рт. ст., ва/ёки мунтазам антигипертензив дори воситаларини қабул қилишни белгиладик. Гипертензия антигипертензия дори воситаларини қабул қилишда қон босими ҚБ>160/110 мм сим. уст. га тенг бўлганда оғир ҳолатда деб баҳоладик.

Натижаларни баҳолаш ва статистик маълумотларни қайта ишлашни амалга ошириш учун Arlequin 2006дастурий пакетидан фойдаланилди (3.11 версия), Excel, SISASISA9.17®.

Диссертациянинг «Сурункали гломерулонефрит ва СБП бўлган беморларнинг HLA II синфи локуслари бўйича иммуногенетик профили» деб номланган учинчи бобида СГН келтириб чиқарган СБП иммунгенетик детерминацияни аниқлаш мақсадида таҳлил ўтказилган, DRB1, DQA1 ваDQB1 генлари HLA турларга бўлинган. СГН бўлган 258 нафар бемор таҳлилида DRB1 генининг 13 та гуруҳи аниқланди. Ушбу таҳлил намунасида фақат DRB1*18 киритилмаган. DRB1 генининг аллели гуруҳларининг полиморфизмини назорат гуруҳига нисбатан таҳлил қилинганда (N=353) юқорига ва пастга қараб бир қатор HLA II синфининг ўзига хослигининг юзага келиш частотасидаги фарқлари аниқланди.



1-расм. СГН бўлган беморлар умумий гуруҳида DRB1* и DQA1* локусларидаги аҳамиятли аллел вариантлари

Шундай қилиб, ХГН бўлган беморлар гуруҳида назорат гуруҳи билан таққослаганда статистик жиҳатдан HLA-DRB1*04 аллели учраши частотасининг ошиши қайд этилди ($\chi^2=12.899$; OR=1,719; 95% CI: 1.276

>1.719> 2.315; EF=0,092) ва HLA-DRB1*15 ($\chi^2=23,795$; OR=2,105; 95% CI: 1,155 >2,105> 2,85; EF=0,121). Назорат гуруҳи билан таққослаганда HLA-DRB1*11 ($\chi^2=17,675$; OR=0,382; PF=1,499) ва HLA-DRB1*13 ($\chi^2=14,945$; OR=0,476; PF=0,121) Д вариантлари ишончли камроқ турланди, бу эса ушбу аллеларнинг эҳтимолли ҳимоя таъсирини кўрсатади.

СГН бўлган беморларда HLA-DQA1* аллели локуслари тарқалишини таҳлил қилишда DQA1*0102 ($\chi^2=13,17$; OR=1,776; EF=0,08) ва DQA1*0301 ($\chi^2=12,85$; OR=1,508; EF=0,08) аллеллари учун ушбу локусда учраш частотаси ошиши кузатилди. Бундан ташқари, DQA1*0501 ($\chi^2=15,77$; OR=0,549; PF=0,733) варианты назорат гуруҳига қараганда сезиларли камроқ турланди.

DQB1 аллеларини тақсимлаш натижалари 11 та тадқиқ қилинаётган аллелдан 6 таси назорат гуруҳи билан таққослаганда учраш частотасида сезиларли фарқларга эга бўлди. Шундай қилиб, DQB1*0302 ($\chi^2=36,017$; OR=2,805; EF=0,12), DQB1*0305 ($\chi^2=4,698$; OR=4,841; EF=0,01), DQB1*0601 ($\chi^2=4,709$; OR=6,919; EF=0,073) 3та аллель учун ишончли ижобий бирлашиш хос бўлди.

Шу билан бирга DQB1* локусида DQB1*0201 ($\chi^2=5,781$; OR=0,706; PF=0,388) учта аллель учраш частотасининг статистик жиҳатдан сезиларли пасайиши, шунингдек, DQB1*0301 хусусиятлари учун ($\chi^2=41,331$; OR=0,308; PF=1,919), DQB1*0502 ($\chi^2=4,027$; OR=0,464; PF=1,131) частота пасайиши кузатилди.

1- жадвал

СГН бўлган беморларда мойиллик ва қаршилик маркерлари

Гуруҳ	Мойиллик маркерлари	Қаршилик маркерлари
СГН (n=258) / Соғлом донорлар (n=353)	DRB1*04, DRB1*15, DQA1*0102, DQA1*0301, DQB1*0302, DQB1*0305, DQB1*0601	DRB1*11, DRB1*13, DQA1*0501, DQB1*0201, DQB1*0301, DQB1*0502

Сўнг тегишли донорлар билан таққослаганда СГН умумий гуруҳда HLA II синфи генларининг уч локусли гаплотипик бирикмаларини тақсимлашнинг иммунгенетик хусусиятлари ўрганилди.

Тадқиқотнинг ушбу қисмида DRB1, DQA1 ва DQB1 генларини турлаш асосида максимал эҳтимоллик усулида таҳлил қилишда уч локусли гаплотиплар DRB1-DQA1-DQB1 частотаси ҳисобланди. Беморлар гуруҳида текширишда 301 та уч локусли HLA II синфидаги гаплотиплар мавжудлиги эҳтимолида 41 та аниқланди, соғлом қариндош донорларда ушбу таҳлил намунасида 334 та эҳтимоли вариациядан 50 та аниқланди. Беморлар гуруҳида (n=258) Харди-Вайнберг бўйича таҳлил $P \leq 0,05$ қиймати билан кутилган ва кузатилган гетерозиготалик ишончли муҳим кўрсаткичларини аниқлади.

Соғлом донорлар гуруҳидаги барча жуфтликлар учун ($n = 353$) мувозанатсиз боғлиқлик синови юқори даражадаги ишончилиликни кўрсатди. Беморлар гуруҳида учрайдиган барча гаплотиплар орасида кўп ҳолларда учта гаплотиплар кузатилган, улар HLA-DRB1*04-DQA1*03:01-DQB1*03:02 ($\chi^2 = 30,226$, $OR \geq 2,619$), HLA-DRB1*15-DQA1*01:02-DQB1*06:02 ($\chi^2 = 25,289$, $OR \geq 2,611$) ва HLA-DRB1*15-DQA1*01:03-DQB1*06:01 ($\chi^2 = 4,805$, $OR \geq 1,774$). Бу, эҳтимол, ўзбек популяциясида СГН ривожланишига ушбу гаплотипли бирикувларнинг таъсир кўрсатаётганлигидан далолат беради. DRB1*04-DQA1*03:01-DQB1*03:01 гаплотипи учун ҳақиқатдан сезиларли манфий бирикма кузатилди, бу назорат гуруҳига нисбатан $OR \geq 0,058$, $\chi^2 = 14,536$ ва $PF = 15,841$ қийматда 17,1 баравар паст. Кейинроқ, қуйидаги 5 та гаплотиплар учун ҳам манфий бириқиш аниқланди: DRB1*04-DQA1*03:01-DQB1*02:01 $\chi^2 = 4,996$, $OR \geq 0,135$ ва $PF = 6,321$ кўрсаткичи билан HLA-DRB1*09-DQA1*03:01-DQB1*03:03, $\chi^2 = 15,531$, $OR \geq 0,626$ ва $PF = 0,589$ қиймати билан, HLA-DRB1*11-DQA1*05:01-DQB1*03:01, $\chi^2 = 15,923$, $OR \geq 0,380$ ва $PF = 1,523$ кўрсаткичи билан, HLA-DRB1*12-DQA1*05:01-DQB1*03:01, $\chi^2 = 4,117$, $OR \geq 0,337$ ва $PF = 1,939$ қиймати билан, HLA-DRB1*13-DQA1*01:03-DQB1*06:02-8 $\chi^2 = 7,421$, $OR \geq 0,520$ ва $PF = 0,885$ кўрсаткичи билан. Ушбу маълумотлар тақдим этилган гаплотипларнинг юқори химоя қобилиятини кўрсатади. Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар прогрессив СГН фонида СБП ривожланишида HLA-бириккан генетик омилларнинг муҳим аҳамиятини кўрсатади. Шуниси эътиборга лойиқки, муҳим гаплотиплар маркер аллеллари билан ҳам, нейтрал вариантлар билан ҳам ҳосил бўлган, бу аниқ бир гаплотип ген бирикмаларини янада чуқур ва батафсил ўрганиш зарурлигини яна бир бор исботлайди.

Сўнгра СГН бўлган беморларда HLA DRB1, DQA1 ва DQB1 генларининг аллели полиморфизми тасодифий популяция назорати билан таққосланди.

Илгари, HLA II синфининг DRB1, DQA1 ва DQB1 генларининг аллел полиморфизми ва СГН билан оғриган беморларда уларнинг гаплотип бирикмаларини таҳлил қилганда, маълумотларни таққослаш учун назорат гуруҳини 353 та биринчи авлод мутлақо соғлом қариндошлар ташкил этди.

Тадқиқотнинг ушбу қисмида назорат гуруҳи сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институти ва Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Иммунология институти томонидан ўтказилган популяцион тадқиқотлар давомида ташкил этилган 109 кишидан иборат ўзбек аҳолисининг назорат гуруҳи таҳлил этилади. Асосий ишчи гуруҳ таркибига, шунингдек, СГН билан касалланган 258 нафар бемор кирди.

DRB1 генининг аллел гуруҳлари полиморфизмини тасодифий назорат гуруҳига нисбатан таҳлил қилганда, юқорига ва пастга йўналган қатор HLA II синф ўзига хослигининг юзага келиш частотасидаги фарқлар ҳам аниқланди.

Аввал айтиб ўтилганидек, соғлом донорларнинг назорат гуруҳи бўлган беморлар гуруҳининг қиёсий таҳлилида DRB1 локуси бўйича тўртта муҳим

вариант қайд этилди: булар ҳимоя воситаси сифатида HLA-DRB1*04 и HLA-DRB1*15 ва мойиллик белгиси сифатида - HLA-DRB1*11, HLA-DRB1*13.

Тасодифий бошқарув билан таққослаганда, ушбу маркерларни таҳлил қилганда, фақат соғлом шахслар гуруҳида кўпроқ тарқалган иккита муҳим маркер аниқланди ва шунинг учун ҳимоя вариантлари сифатида аниқланди: HLA-DRB1*11 ($\chi^2=9,347$; OR=0,411; PF=1,337) ва HLA-DRB1*13 ($\chi^2=5,544$; OR=0,547; PF=0,7762). HLA-DRB1*04 ва DRB1*15 мойиллик белгиларига келсак, шуни таъкидлаш керакки, статистик жиҳатдан муҳим фарқлар бўлмади, чунки ушбу намунада тасодифий бошқариш билан таққослаганда, ишончлилик тенденцияси кузатилди, яъни Пирсон бўйича коррекциялашда бу рақамлар муҳим аҳамиятга эга бўлмади. Шу тариқа, СГН бўлган беморлар гуруҳида назорат гуруҳи билан таққослаганда HLA-DRB1*04 ($\chi^2=2,288$; OR=1,371; Wald 95% CI: 0.91 >1.372> 2.068; EF=0,059) и HLA-DRB1*15 ($\chi^2=2,89$; OR=1,419; Wald 95% CI: 0.947 >1.42> 2.131; EF=0,0682) аллели учраш частотаси ошгани қайд этилди.

HLA-DQA1* локусида ҳам аллеллар учраши частотасида айрим фарқлар кузатилди, лекин уларнинг бирортаси ишончли эмас.

Аммо назорат гуруҳидаги маълумотлар қариндош донорлар томонидан тақдим этилган маълумотлар (n=353) билан таққослаш натижасида СГНли беморларда DQA1 локуси бўйича касалликка мойил ишончли маркерлар DQA1*0102 и DQA1*0301 ҳамда DQA1*0501 ҳимоя маркери қайд этилди.

DQB1 аллелларидан атиги 4 аллелда рандом назоратга қараганда учраш частотасида ишончли фарқлар кузатилди, қариндош донорлар билан қиёсланганда 6 та ишончли маркерлар аниқланди. Масалан, DQB1*0302 аллеллар учун ижобий ассоциация аниқланди (GF=0,197, назорат гуруҳида эса GF=0,11; $\chi^2=8,267$; OR=1,992; EF=0,098) ва DQB1*0601 (GF=0,085, назорат гуруҳида GF=0,032; $\chi^2=22,295$; OR=2,810; EF=0,055).

2- жадвал

Рандом назорат билан таққослаганда СГН бўлган беморларда мойиллик ва резистентлик аҳамиятли маркерлари

Гуруҳ	Мойиллик маркерлари	Резистентлик маркерлари
СГН (n=258) / Рандом назорат (n=109)	DQB1*0302, DQB1*0601	DRB1*11, DRB1*13, DQB1*0301, DQB1*0502

DQB1* локусида DQB1*0301 аллеллари учраш частотасининг пасайиши статистик аҳамиятли бўлди (GF=0,075, назорат гуруҳида GF=0,165; $\chi^2=13,398$; OR=0,413; PF=1,282) ва DQB1*0502 (GF=0,017, назорат гуруҳида GF=0,091; $\chi^2=22,295$; OR=0,176; PF=4,336).

